



“ 1 ” апрель 2015 у № 4

**Номолиявий активларга инвестициялар умумий ҳажмини шакллантириш
бўйича услубий низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек кичик тадбиркорлик ва микрофирмаларнинг инвестиция фаолияти кўрсаткичларини шакллантиришнинг статистик услубиятини такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Номолиявий активларга инвестициялар умумий ҳажмини шакллантириш бўйича услубий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010 йил 30 ноябрдаги 15-сон “Номолиявий активларга инвестициялар умумий ҳажмини шакллантириш бўйича услубий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 29 июлдаги 9-сон “Номолиявий активларга инвестициялар умумий ҳажмини шакллантириш бўйича услубий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори.

3. Мазкур қарор 2015 йилнинг 1 апрелидан бошлаб кучга киритилсин.

Раис

Б.Тураев